

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олиниди
№ 1402-19d
2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
маҳсус таълим вазирининг
2019 йил “2” июн даги
1083-сондиги бўйруғи бўлсан тасдиқланган.

“Кишлек ва сув хўжалигига техник сервис”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув ластури

Тошкент – 2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус,
қасб-хунар таълими ўйналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини*

Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2019 йил 18, 10. даги 5 - сонли баённомаси билан маъқулланган

Тузувчилар: “Ўзбекистоннинг миллӣ тикланишдан миллӣ юксалиш
босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф.
И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифизаров, ф.ф.д., проф. М.Каххорова,
с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.

“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-
хукуқий хужжатлари” модули: ю.ф.и., доц. В.Топилдинев, ю.ф.и.,
доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б А.Рахмонов.

“Педагогининг инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, М.Матназарова,
Н.Хакназарова, М.Инназаров, Д.Кушарбаев.

“Электрон педагогика асослари ва педагогенинг шахсий, қасбий
ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф.
Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов,
ўқитувчилар А.Обидов, И.Чоринев, А.Хошимов, Ф.Отамуродов.

“Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари”
модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсарисева, Н.Джабборова,
Ш.Файзулаева, У.Гиясовая.

Маҳсус фанлар бўйича: т.ф.д., профессор Ш.У.Йўлдошев, т.ф.д.,
доц. А.К.Игамбердинев, т.ф.и., доц. З.Ш.Шарипов, т.ф.и., доц.
А.Р.Муратов, т.ф.и., доц. И.Ж.Худаев, т.ф.и., доц. Н.К.Усманов, к.х.н.
доц. Н.Э.Саттаров, PhD, доц. Г.Т.Бекмирзаев, А.Джурасев, З.Одинаева,
Г.Отамуродов, т.ф.д., проф. А.Йуллошев.

Такризчилар: Хорижий эксперт: Божан Дурин, Загреб универсиитети, Хорватия.
ТИҚҲММИ доценти З.Ш.Шарипов, т.ф.и.

Ўқув дастури Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2019
даги - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукуқий хужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Қишлоқ ва сув хўжалиги фанларини ўқитишида инновацион ёндашув

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Қишлоқ ва сув хўжалигидаги ахборот-коммуникация технологиялари

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Қишлоқ ва сув хўжалигига тизимли таҳлил асослари

VI. Махсус фанлар

6.1. Машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

6.2. Қишлоқ ва сув хўжалигига техник сервис.

6.3. Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.

VII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Максус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг долзарблиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамиятини;

- машина-трактор агрегатидан техник самарадорлигини белгиловчи кўрсатгичларини;

- қишлоқ ва сув хўжалиги машиналарининг фойдаланиш кўрсаткичлар, фойдаланиш кўрсаткичларининг таърифларини;
- қишлоқ ва сув хўжалиги техникаларининг иш унуми ва ишлаб чиқариш меъёрлари, машиналардан фойдаланишни ташкил қилиш асосларини;
- сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни;
- зах қочириш тизимларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишларини комплекс механизациялашни ***билиши*** керак.

Тингловчи:

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва чет элдан келтирилиб ишлатилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, улардан самарадор фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- машинанинг ишлаб чиқариш таҳлили. Машиналардан фойдаланиш таннархи таҳлили;
- Республика қишлоқ хўжалиги худудларида техник сервисни ташкил этишда инновацион дилерлик хизмати;
- сугориш каналларида сув шимилишига қарши копламалар хосил қилиш бўйича инновацион технологиялар
- сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш бўйича хорижий мамлакатларда қўлланилаётган замонавий технологиялар ҳақида ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- қишлоқ хўжалиги машинаси иш унумининг кўрсатгичлари, машина иш унумининг турлари;
- майдон салоҳияти, материаллар сифими ва ўтказувчанлик қобилияти, назарий, ҳақиқий, самарали иш унуми ва вақти, фойдаланиш;
- машиналар тизимларининг иш қобилиятини йўқотишнинг характерли кўринишлари ҳақида;
- машиналарга техник хизмат кўрсатиш турлари ва даврийлиги бўйича;
- томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизимини қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини комплекс механизациялаш
- сугориш усусларини такомиллаштириш бўйича ***малакаларига*** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва хориждан келтирилаётган машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- машиналарни лойиҳалашда уларнинг ишончлилигини таъминлаш;
- мелиоратив машиналар парки таркибини лойиҳалаш

- машиналар парки таркибини такомиллаштириш тамойиллари бўйича **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ТЕХНИК СЕРВИС” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқа хизмат қилсин” фояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbusи.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонунисти ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиши тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва қасб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиши методикаси. Талabalарда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иктидорли талabalар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи қасбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2. Қишлоқ ва сув хўжалиги фанларини ўқитишида инновацион ёндашув.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар. Қишлоқ ва сув хўжалиги фанлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ ва сув хўжалиги фанларини ўқитишида дидактик тамойиллар. Таълим тамойиллари ва уларнинг мазмун моҳияти. Махсус фан ўқитувчисининг ўқув-меърий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. Қишлоқ ва сув хўжалиги фанларини ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи меърий ҳужжатлар.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиилар. Google булатли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурый воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Қишлоқ ва сув хўжалигида ахборот-коммуникация технологиялари.

Қишлоқ хўжалиги машиналари ҳамда гидротехник иншоотлар механизмларини AutoCAD дастурида лойихалаш. “Каналнинг геометрик параметрларини аниқлаш” дастури ва ундан фойдаланиш. “Томчи” амалий дастури ва унинг имкониятлари. Замонавий электрон тахеометрлар дала ўлчаш натижаларини математик ишлаб чиқиш ва AutoCAD дастурига импорт қилиш. ArcGIS дастурый таъминотининг Tools панелидан қишлоқ ва сув хўжалиги мақсадларида фойдаланиш. Ҳавза бошқарувида SWOT модели таҳлили. ГАТ маълумотлари асосида ер ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш.

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил қўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойихалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил қўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар

ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг асессмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордиқ, телефонда сұхбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, қашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Қишлоқ ва сув хўжалигида тизимли таҳлил асослари.

Қишлоқ ва сув хўжалигида тизимли таҳлил тушунчаси ва тамойиллар. Қишлоқ ва сув хўжалигида тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Қишлоқ ва сув хўжалик тизимининг хусусияти ва тузилмаси. Қишлоқ ва сув хўжалигида тизимли таҳлил методологияси ва тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли услуг ва тизимли ёндашув. Қишлоқ ва сув хўжалигида аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Соҳада аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

VI. МАХСУС ФАНЛАР

6.1. Машина - трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва чет элдан келтирилиб ишлатилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, улардан самарадор фойдаланиш хусусиятлари.

Ўзбекистон иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги агрегатларидан самарадор фойдаланишнинг хусусиятлари. Агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг долзарблиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти Қишлоқ хўжалиги машинаси иш унумининг кўрсатгичлари. Машина иш унумининг турлари - майдон салоҳияти, материаллар сифими ва ўтказувчанлик қобилияти, назарий, ҳақиқий, самарали иш унуми ва вақти, фойдаланиш самарадорлиги тушунчалари. Машина-трактор агрегатидан техник самарадорлигини белгиловчи кўрсатгичлари. Агрегат иш унумини оширишнинг ташкилий-хўжалик омиллари. Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш даражасини ошириш усуллари.

6.2. Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис.

Қишлоқ ва сув хўжалиги машиналарининг фойдаланиш кўрсаткичлар. Фойдаланиш кўрсаткичларининг таърифлари. Ички ёнув двигателларининг фойдаланиш кўрсаткичлари ва таҳлили. Машиналарнинг ҳаракатланиш тезликлари. Занжирли ва филдиракли юриш қисмига эга бўлган машиналарнинг илашиш сифати, тортиш кучи ва қуввати. Машиналар ишининг ишчи ва транспорт режимлари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналарининг суткали ва сменали иш режимлари. Машиналарнинг йиллик иш режимлари. Қишлоқ ва сув хўжалиги техникаларининг иш унуми ва ишлаб чиқариш меъёрлари. Машиналардан фойдаланувчилар. Машиналар паркини ташкил қилиш асослари. Машиналардан фойдаланувчилар. Машиналар паркини ташкил қилиш. Машиналарни фойдаланишга қўйиш, чиниқтириш, кафолат муддати, рўйхатдан чиқариш. Машиналардан вақт бўйича фойдаланишни таҳлили. Машинанинг ишлаб чиқариш таҳлили. Машиналардан фойдаланиш таннархи таҳлили. Машиналардан фойдаланишда материал техник таъминот.

Машиналар тизимларининг иш қобилиятини йўқотишнинг ҳарактерли кўринишлари. Нуқсонлар ва уларнинг содир бўлиш сабаблари. Машиналар ишончлилик кўрсаткичларига таърифлар. Бузилмасдан ишлаш кўрсаткичлари. Чидамлилик кўрсаткичлари. Таъмирга яроқлилик кўрсаткичлари. Сақлашга мослашганлик кўрсаткичлари. Машиналарни лойиҳалашда уларнинг ишончлилигини таъминлаш. Машиналарни тайёрлашда ишончлилигини таъминлаш. Машиналардан фойдаланишда ишончлилигини таъминлаш. Машиналарга техник хизмат кўрсатишда ишончлилигини таъминлаш. Машиналарга техник хизмат кўрсатиш турлари ва даврийлиги. Машиналарга техник хизмат кўрсатиш тизими.

Республикамиз ва Хорижий мамлакатларнинг фермер хўжаликлари, техник сервис тузилмалари. Ўзбекистан Республикаси қишлоқ хўжалигида фирмавий техник сервис тузилмаси ва технологиясининг таҳлили. Республика қишлоқ хўжалиги худудларида техник сервисни ташкил этишда дилерлик хизматининг ўрни.

6.3. Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.

Ёпик горизонтал дренаж қурилишини ва тамирлаш-тиклаш ишларини комплекс механизациялаш. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш. Тупроқларнинг батқоқланиши ва шўрланиши. Зах қочириш тизимларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишларини комплекс механизациялаш. Зах қочириш тизимларини ва йирик каналларни тозалаш, таъмирлаш ишларини гидромеханизациядан фойдаланиб комплекс механизациялаш. Суғориш сувини сугориш даласида тақсимланиш асослари. Суғориш сувини йўқолишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимини қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини комплекс механизациялаш. Вертикал дренаж қурилиши ва таъмирлаш-тиклаш ишларини комплекс механизациялаш. Эгилувчан қувурлар ёрдамида сугориш. Сифонлаб сугориш. Автоматлаштирилган новлар билан сугориш. Новканалларни қуриш ва таъмирлаш ишларини комплекс механизациялаш. Суғориш усулларини такомиллаштириш. Ер устидан сугориш ва унинг такомиллашган сув тежамкор турлари. Суғориш каналларида сув шимилишига қарши копламалар хосил қилиш бўйича инновацион технологиялар, таъмирлаш-тиклаш ишларини комплекс механизациялаш. Инспекторлик йўлларини қуриш, таъмирлаш ишларини комплекс механизациялаш. Ирригация тизимларида йиғма темирбетон иншоотлар. Мелиоратив машиналар парки таркибини лойиҳалаш, алмаштириш (янгилаш) ва модернизация қилиш асослари. Машиналар парки таркибини такомиллаштириш тамойиллари. Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш бўйича хорижий мамлакатларда қўлланилаётган замонавий технологиялар.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хукукий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши қурашиб тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон [фармони](#).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [фармони](#).
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

22. Ишмухamedов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.
30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572 b.
32. Тошболтаев М. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари”. Т., “Фан ва технология”, 2016. - 602 б.
33. Корсун А.И, Фармонов Э.Т. “Машина - трактор паркидан фойдаланиш”. Т., ТошДАУ, 2011. – 148 б.
34. Hunt D. “Farm Power and Machinery Management”, USA, 2016.-360 б.
35. R. Quentin Grafton, Karen Hussey. Water Resources Planning and Management. Cambridge University Press. Cambridge, UK, 2011.
36. Adrian Laycock. Irrigation Systems - Design, Planning and Construction. CABI. UK, 2011.

IV. Интернет сайтлар

37. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
38. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
39. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
40. www.Ziyonet.uz
41. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
42. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en>.
43. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org>.
44. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en>.
45. www.Alibris.com
46. www.gov.uz
47. www.gki.uz
48. www.pistachio.uz.

“ИНСЛАБ ЧИКИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишга ташкил этиш
бюджеттиман-мекони макази

Директор — Г.Т. Ноймарданов
2019 й.



Тошкент ижоратида кишлек хўжалигини
механизацияланган мухандислари институти

Ректор — П.Умурзаков
2019 й.



Тошкент ижоратида кишлек хўжалигини
механизацияланган мухандислари институти
хузуридаги педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш-тармок макази

Директор — Ф.Т. Бекмирзасев
2019 й.



“КЕЛИШИЛГАН”:

Сувхўжалиги вазирлигининг
Инновацион технологияларни жорий
киниш ва таълим бошкармаси

Бошлиқ

Р.Ж. Каршиев
Махалбет 2019 й.

